

ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ

Қўшилган қиймат солиғини тўловчилар қуйидагилардир:

- солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар;

- Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига норезидентлар томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар;

- товарларни республикаимиз ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар;

- оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) - юридик шахс.

Солиқ солиш объекти солиқ солинадиган оборот ҳамда солиқ солинадиган импортдир. Солиқ ставкаси 20 фоиз ва ноль даражали ставкада белгиланган.

Қўшилган қиймат солиғи суммаси белгиланган ставкалар асосида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Сай \times С / 100; (1),$$

бунда: **Сққс** - истеъмолчилардан ундириладиган солиқ суммаси;

Сай - солиққа тортиладиган айланма;

С - қўшилган қиймат солиғи ставкаси.

Масалан: корхонанинг солиққа тортиладиган айланмаси 2 327 694,9 сўм бўлиб солиқ ставкаси 20 фоизни ташкил этади.

Солиқ суммаси $2\,327\,694,9 \times 20 / 100 = 465\,539$ сўм

Товарлар (ишлар, хизматлар) қўшилган қиймат солиғини ўз ичига олган нархлар ва тарифлар бўйича сотилганида - солиқ қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Сққс = Тқ \times С / (С + 100); (2),$$

бунда: **Тқ** - қўшилган қиймат солиғи ҳам ҳисобга олинган товарлар (ишлар, хизматлар) қиймати.

Масалан: корхона томонидан товарлар ҚҚСни ўз ичига олган ҳолда (2 793 233,9 сўмга сотилганда ҚҚС суммаси қуйидагича ҳисоблаб чиқилади: $2\,793\,233,9 \times 20 / (20 + 100) = 465\,539$ сўм

Солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини киритмаган ҳолда белгиланади.

Қуйидагилар имтиёзларига эга:

- айрим товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш обороти;
- молиявий хизматлар;
- суғурта хизматлари;
- импорт.

Қўшилган қиймат солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобда турган жойдаги давлат солиқ хизмати органларига ортиб борувчи яқун билан:

қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан - йилнинг ҳар чорагида ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса йиллик молиявий ҳисобот топширилган муддатда;

микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар томонидан - ҳар ойда ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса - йиллик молиявий ҳисобот топшириладиган муддатда тақдим этилади.

Қўшилган қиймат солиғини бюджетга тўлаш қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобларини тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай амалга оширилади.